



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 28 октябрь, № 209 (4619)

Сешанба

САНОАТ РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмуи павильонларида Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси савдолари иш бошлади.



Импорт ўрнини босувчи экспортбон эҳтиёт қисмлар ва бутловчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш имконини берди. Пировардида ушбу маҳсулотлар хариди учун сарфланган валюта тежалди, кўплаб қўшимча иш ўринлари яратилди. Дейлик, ёғ-мой ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжининг 40, қадоқлаш идишларига бўлган талабнинг 60 фоизи Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси тизимидаги корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳисобига қондирилади. Ёки бўлмаса, Асакадаги автомобиль заводи учун 60 фойдан кўпроқ эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

— Биз «GM Uzbekiston» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган энгил автомобиллар учун ички қоплама деталларни етказиб берамиз, — дейди «ЎзДонгЭнГКо» Ўзбекистонда (Давоми 2-бетда).

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йили илк бор ташкил этилган мазкур форум тармоқлараро алоқаларни янада кучайтириш ва маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш ҳисобиغا кўплаб турдаги тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини бермоқда. Тадбирнинг ана шу жиҳати унинг нуфузи тобора ошишига, иштирокчилар сони йил сайин кўпайишига хизмат қилмоқда. Буни жорий йилда мамлакатимизнинг 260 дан ортқ ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари ўрта қатнашаётгани, уларнинг маҳсулотлари намойиши кўргазма залларининг 7 минг квадрат метр майдонини эгаллагани аққол кўрсатиб турибди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоиқматов мазкур форум ички бозорда маҳаллий хом ашё негизда тайёр маҳсулотлар улуғини ошириш, яъни ички маҳсулотда саноатнинг ҳиссасини янада кўпайтириш, энг муҳими, бозордаги талаб-эҳтиётини ўрганишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Маросимда, шунингдек, мустақиллик йилларида иқтисодий тизимини юксалтиришга қаратилган ислохотлар туфайли нефть-газ, машинасозлик, электр техника, кимё, металлургия саноатида ўнлаб йirik корхоналар барпо этилгани айтиб ўтилди. Бу, ўз навбатида, энгил, юк автомобиллари ва йўловчи автобуслари, полиетилен, сижилган ва суелтирилган газ, кальцийлаштирилган сода ва кабель ўтказгич маҳсулотлари, эластик темир йўл шпаллари ва иқтисодий тизимнинг етакчи тармоқлари учун

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан Нукус шаҳрида «Йод этишмаслиги касалликларини профилактикаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қорақалпоғистон Республикасида бағишланган йилгилиш ўтказилди.

ЙОД ТАЊҚИСЛИГИГА БАҲАМ БЕРИЛАДИ

Унда шахар ва туман ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар ходимлари, соҳа мутахассислари иштирок этди. Йод этишмаслиги инсон саломатлигига жиддий хавф солиши, турли касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, мамлакатимизда бу муаммонинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ишлар қамровини янада кенгайтирди. Йод таъқиқлигини бартараф этиш, аҳолининг бу борадаги эҳтиётини қондиришда йодланган маҳсулотлар, хусусан, ош тузи ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутди. Оролбўйи минтақасида бугунги кунда 18 корхонада йодланган ош тузи ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу корхоналарни замонавий техника билан таъминлаш, илгор технологияларни жорий этишга қатта эътибор қаратилмоқда. Қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги уч йилда аҳоли орасида йод этишмаслиги боис келиб чиқадиган касалликларнинг 30 фоиз камайди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари К. Абдужалиев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И. Насриев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати З. Ботирова ва бошқалар инсон саломатлигини таъминлашда йодланган ош тузининг аҳамияти ва уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ вазифалар ҳақида тўхтадилар.

А. ОРТИҚБОВ,
ЎА мухбири.

ФРАНЦИЯДА ТЕМУРИЙЛАР АССОЦИАЦИЯСИНING 20 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ

Шу кунларда Францияда Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш француз ассоциациясининг 20 йиллиги нишонланмоқда. Ушбу сана муносабати билан Парижда Темурийлар ассоциацияси аъзолари, Франция вазирлик ва идоралари, ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари вакиллари иштирокидаги қатор маданий тадбирлар бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Париждаги элчихонасида бўлиб ўтган ўзбек шеърини ва музикаси кечасида халқимизнинг зафардаш шoirлари — Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим асарларидан тарғалар ўзбек ва француз тилларида томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Шеърини намуналар француз тилида «Комеди Франсез» театри актёри Дижон шаҳри миллий театри директори Франсуа Шато томонидан ўқилди. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиёва кўйлаган хис-туғиғуа бой газаллар бетақдор шарҳона нафосат муҳитини яратди.

Тадбир чоғида Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларида ўзбек халқининг маданий, илмий-маънавий салоҳиятини, миллий қадриятларини чўқур тадиққ этиш ва тиклашга қатта эътибор

қаратиб келинаётгани таъкидланиб, шу маънода Амир Темур ва темурийлар даври меросини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани қайд этилди.

Амир Темур тарихида моҳир дипломат, мамлакатлар ўртасидаги дўстона алоқалар ва савдо иқтисодий муносабатларни ривожлантириш тарафдори бўлган шахс сифатида ҳам ёрқин из қолдирган. У Европа билан Осиё ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилган кенг миқёсли ишларни амалга оширган, дунёнинг турли қитъаларидаги давлатлар билан алоқалар ўрнатган.

Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш француз ассоциацияси асосиси ва раҳбарини профессор Люсьен Керен

Темурийлар даври тарихи тўғрисида бир қатор китоб ва илмий мақолалар муаллифидир. Жумладан, унинг «Самарқандда Темур даври сари йўл» китоби нафақат француз ва ўзбек олимлари, балки бутун Европа тадиққотчилари ҳамда жамоатчилиги ўртасида қатта қизиқиш уйғотиб, кўплаб тилларга таржима қилинди.

Дунё нигоҳи

Тадбирда профессор Л. Керен сўзга чиқиб, Амир Темурнинг инсоният тарихидаги роли, ассоциациянинг темурийлар тарихини ўрганиш ва оммалаштириш борасидаги фаолияти ҳақида гапирди. «Амир Темур, аввало, атоқли давлат арбоби, истеъдодли ҳарбий қўмондон ва дипломат, илм ва санъат ҳимоячиси сифатида алоҳида ажралиб туради, — деди олим. — Поиттахти Самарқанд бўлган улкан давлат ҳукмдори ўткир зот ва идорак соҳиб бўлиб, ўз давлатини моҳирлик билан бошқарган. Шу боисдан мамлакатда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурган, савдо ва ҳунармандчилик низоъи ривож топган. У ҳаммаша адолат тарафдори бўлган, илм, маданият ва санъат аҳлини юксак қадрлаган ҳамда улар-

нинг ижодини қўллаб-қувватлаган. 1988 йилда ташкил этилган Темурийлар ассоциацияси Амир Темур ва темурийларнинг бой меросини ўрганиш, ўзбек халқининг бой тарихий-маданий меросини француз жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш билан шуғулланиб келмоқда.

Биз темурийлар даврига бағишланган турли илмий тадиққот ва тақдимотлар ўтказамиз, китоблар нашр этамиз. Ассоциациянинг «Темурийлар» деб номланган журнали саҳифаларида ўзбек ва француз олимларининг ўша давр тарихи, санъати ва маданиятга бағишланган, шунингдек, бугунги Ўзбекистоннинг илмий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ мақолалари мунтазам чоп этилади».

Француз олими ўзининг Амир Темур ва унинг авлодлари, хусусан, ўрта асрларнинг буюк астрономи Мирзо Улугбек даврига оид илмий изланишлари Ўзбекистонда юксак баҳоланганидан мамун эканини қайд этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1996

(Давоми 3-бетда).

ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИД РУҲИДА

НАВОИЙ

Вилоят ҳокими Б. Рўзиев бошқарган йилгилишда таъкидланганидек, Юртбошимизнинг шу йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чўқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари бўйича келгусидаги вазифаларга бағишланган йилгилишлар бўлиб ўтмоқда.

зиёд янги иш жойи яратилди, 4750 нафар киши эса касаначилик асосида иш билан таъминланди. Йилгилишда йўл қўйилган хато ва камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Вилоят иқтисодий тизимининг инвестицияларини жалб этиш, саноат корхоналари, қўшма корхоналар ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги таъкидланди. Навбахор, Конимех, Хатирчи ва Томди туманларида ўтган даврда бирорта ҳам саноат ишлаб чиқариши ёки қўшма корхона ташкил этилмаган, хорижий инвестиция қиртилмаган. Айрим туманларда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларидега чорва молларини кўпайтиришга етарлича эътибор берилмаётгани, шунингдек, ирригация тизимларини тозалаш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари захирасини яратиш борасидаги ишлар кўнгилдагидек эмаслиги қайд этилди. Йилгилишда камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ва галдаги вазифаларни бажариш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Навоий вилояти фаоллари йилгилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов сўзга чиқди.

ЖИЗЗАХ

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М. Анорбаев бошқарган йилгилишда таъкидланганидек, жорий йилнинг тўққиз ойида янги худудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 9 фоизга ошди. Усиш суръати қурилишда 41,7, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 18, экспортда 26,8 фоизни ташкил этди. Вилоятда нақд пул тушумининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳолининг бўш пул маблағларини муддатли омонатларга жалб этиш борасида белгиланган ишлар тўлиқ амалга оширилди. Бешта янги мактаб қурилиб, 56 мактаб реконструкция қилинди. Тўртта қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш салмоғи ошмоқда. Жумладан, давлатга пилла сотиш шартнома режаси 110,8 фоизга бақарилди. Иқтисодий тизимнинг юксалиши пировард натижада аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш имконини бермоқда. Ўтган даврда вилоятда 336,7 ми квадрат метр уй-жой барпо этилди, 481,1 километр узунликта ичимлик суви, 38,6 километр масофада газ тармоқлари тортилди. Корхоналарни модернизациялаш, янгиликларни ишга тушириш, касаначилик асосида 24 миң 600 дан зиёд янги иш жойлари ташкил этилди. «Ешлар йили» Давлат дастурига мувофиқ қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жиззах шаҳрида «Ешлар шаҳарчаси», «Ўрда» ёшлар экологик боғи, теннис саройи каби ўндан зиёд замонавий иншоотлар фойдаланишга топширилди. Йилгилишда ижтимоий-иқтисодий соҳада йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам эътибор қаратилиб, айрим ташкилот ва туман ҳокимликлари мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланмаётгани танқид қилинди. Арнасой, Баҳмал, Жиззах, Дўстлик,

(Давоми 3-бетда).

Мамлакат бўйлаб

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 1 майда имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида» Ғи Фармони ижросини таъминлашга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — долний эътиборда

Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳақида суд тизими мустақилликнинг таъминлаш бўйича тадиққот маркази ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, Тошкент давлат юридик институти олимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Олий суд раиси Б.Мустафоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А. Саидов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамоллигида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш жамиятини ривожлантириш ва давлат қурилишининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилангани ва амалда самарали таъминлаётганини алоҳида таъкидладилар. Ўзбекистон қўрилган илк халқаро-ҳуқуқий ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди.

Декларация қондилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон ушбу меъёрларни, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича қўрилган бошқа халқаро ҳужжатлар талабларини қатъий ва изчил бақариб келмоқда. Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий асослари яратилиши баробарида унинг амалда таъминлашнинг қузатувчи қатор тузилмалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бўлимлар эби миллий институтилар тизими самарали фаолият юритмоқда. Конференцияда миллий қонунчилигимизнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ҳамда қиҳатлари ва инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ишлар қўламини янада кенгайтиришга оид маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎА мухбири.

Замонавий технология самараси

«Жарқўргоннефть» корхонасида четдан келтирилган замонавий технологияларнинг ўрнатилиши туфайли бу ерда тайёрланаётган маҳсулот тури яна биттага кўпайди.

■ Мазкур Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида йилига 30 миң тоннадан ортқ битум эмulsionини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қувонарли жиҳати, ишлаб чиқариш қувватининг оширилиши эвазига 25 та янги иш ўрни яратилди.

Абдулазиз РУСТАМОВ.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2008 йилнинг тўққиз ойи давомида республикамизда хизматлар кўрсатиш ҳажми 18,5 фоизга ўсди.

Бухоро шаҳар ҳокимлигида вилоят адлия бошқармаси томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишлаб уюштирилган учрашувда Олий Мажлис Сенати аъзолари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари қатнашдилар.

Демократик жамият негизи

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти, унинг демократик жамият барпо этишдаги ўрни ҳақида муфассал сўз борди. Сўнгра ўқувчилар

ўртасида «Энг яхши ҳуқуқ билимдони» танлови ўтказилиб, мавзуга оид ижод намуналари ва расмлар танлови гузлабларига ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШАҲС ДАҲЛСИЗЛИГИ КАФОЛАТИ

Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигида ўн олти йил тўлмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида мустақил давлатимизнинг Конституциясини яратишда жаҳондаги тараққий тоған мамлакатларнинг тажрибалари кенг ўрганилгани, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига амал қилинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.



Менинг Конституциям

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлари Конституцияда ўз ифодасини топти. Қолаверса, Конституция лойиҳаси халқ томонидан кенг муҳокама қилиниб, уларнинг тақдир ва тавсиялари эътиборга олинган ҳолда қабул қилинганлигини ўзидек уни инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини кафолатловчи ҳужжат дейишимизга тўлиқ асос бўла олади.

Уттан дера мобайнида Конституциямиз давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда, кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилди. Зеро, унда инсон манфаати давлат манфаатидан устуворлиги белгилаб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳраб қўйилди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилди. Аввало, инсоннинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларини

ҳимоялаш бўйича миллий институтлар тизими яратилди. Бу борада таълимнинг узлуксизлиги йўлга қўйилиб, мониторинг олиб бориш тизими ишлаб чиқилди. Шу билан бирга ушбу соҳада нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Қайд этиб ўтиш жоизки, жиний жазоларни либераллаштириш, ижтимоий адолат, жиний учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга эришиш Ўзбекистондаги конституциявий тараққиётнинг пировард мақсадидир.

Чунинчи, Конституциямизга асосан, инсоннинг шахсий даҳлсизлиги ва эркинлик ҳуқуқини бузиш ёки таъвоуз қилиш, қонунга асосланмаган ҳолда уни ҳибсга олиш ёки қамоққа сақлаш муҳим эмас. Жиний содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонун тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Ҳеч ким қийноққа солиниши,

сида озодликдан маҳрум этиш тарихида жазо тайинлашга йўл қўйилмаган нормалар анча кенгайтирилди.

Жорий йил бошидан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилингани, шунингдек, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратурадан судларга ўтказилгани Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги давлатларро нурфунини янада оширди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида қонуний жараён. Шу муносабат билан прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантиқий талабидир. Ва бу, энг аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, даҳлсизлигини чеклаш билан алоқадор масалага тегишлидир. Шу маънода, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, уни амалга оширишнинг аниқ процедурал-ҳуқуқий механизмининг яратилиши жиний процессининг судгача бўлган бос-

қичида жиний таъқиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланади. Бу терговчи ва прокурорларнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўлашда жавобгарлигини ошириш, суд ҳокимиятининг нурфунини таъминлаш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсоннинг озодликка бўлган конституциявий ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиши таъминлашга хизмат қилади ва буни бугунги амалиёт аққол кўрсатиб турибди. Табиийки, булар мамлакатимиз Конституциясини илгарти сурган инсонпарвар тамойилларнинг инъикосидир.

Қолаверса, Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислох қилиш тўғрисида"ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида маълумат юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган аниқ процедурал-ҳуқуқий механизм яратилиши кенг имконият яратди.

Ў. ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий Амалдари қонун ҳужжатлари мониторинг институти етакчи илмий ходими.

Маълумки шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизда маҳаллий ўз-ўзин бошқариш органлари — фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Табиийки, мамлакатимиздаги мавжуд 9 миндан ортиқ маҳалларда сайлов олди тараддуди бошланган.

МАҲАЛЛА ЕТАКЧИСИ

Яқинда маҳалладошларимиздан бири уйда кичикроқ бир маърака ўтказди. Маъракага маҳалламизнинг асосан кексалари, журматли кишиларидан 15-20 киши тақлиф этилган экан. Гап айланган келиб, сўхбат мавзуси ҳозирги жараёнга, яъни маҳаллалар йиғинлари раислари сайловини ўтказишга бориб тақалди. Кимдир у дейди, кимдир бу деди. Давранинг тўрида сўхбат дамининг пайсаийини қўйиб турган Салим ота сўз олар экан ўтирганларга қараб, деди:

— Биродарлар, маҳалламизга сайланадиган раис, ким бўлмасин, ёшидан, миллатидан қатъий назар, аввало, унинг турмуш-турмуши, оиласи, маҳалламизда туган ўрнига эътибор бермай иложимиз йўқ. Ахир биз ўзимизга етакчи этиб сайласа маҳаллада аҳолининг ўнганда сақизта раисимизнинг журматини жойига қўймас, фарзандларини бировага ўрнак қилиб кўрсата олма-

салаймиш, дегани-ку? Шундай экан, сайловга масъулият билан ёндашмоғимиз керак. Ана шундан кейинги йилларда ҳам маҳалламизда бугундек мақтагулик ҳолат ҳукмрон бўлади.

Отаҳонларнинг сўзларини тинглаб, бундан бир неча йиллар илгари Тошкент шаҳридаги маҳаллаларнинг бирида бўлиб ўтган сайлов ёдимга тушди. Хизмат тақозоси юзасидан шу сайловда мен ҳам иштирок этган эдим. Ушунда маҳалла фуқаролар йиғини раислигига 5-6 кишининг номзоди кўрсатилган эди ва табиийки, номзодларни кўрсатишда уларнинг барча жиҳатларига эътибор қаратишди. Номзодлар таништирилган экан, уларнинг қайсисидир етук олим, уздабурон тadbиркор, яна қайсисидир шу маҳаллада туғилган ўсган, элини танийдиганлардан, дейилди. Одамлар номзодлар орасидан бундан бир мунча муддат олдин шаҳардаги ташкилотларнинг бирида раҳбар бўлиб ишлаб, нафақга чиқиб маҳалла ишларига доимо фал ёдремлашчи юрган, тиниб-тинимас, ҳаракатчан, маҳаллада кўпчиликчи бўлиши керак. Шунинг учун маҳалла етакчисини сайлашда ҳар биримиздан етти ўлчаб бир кесил талаб этилади. Яна бир гап — сўзда вазмин давом этди Салим ота — биласизлар, маҳалламизда 15дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Худого шукр, ҳозиргача уларнинг бирор-бири бирор марта ҳам сан-манга боргани йўқ. Тўйимизда ҳам, яъни-ёмон кунларимизда ҳам бир-биримизга елкадош бўлиб келаяптимиз. Қуш уясида қўрангани қилади, деганларидек, фарзандларимиз ҳам биз катталардек аҳил ўсишмоқда. Шундай экан, биз раисликка қўрсатаётган номзод маҳалламиздаги бугунги тартибни давом эттиришга қудратли етдимиз, одамларни ўз ортидан эргаштира оладимиз ва умуман, бўлгуси раисимиз раҳбарлик масъулиятини тушуниб етдимиз, бу саволларга ҳам жавоб топшимиз керак. Чунки раҳбар дегани кўпчилик билан ишлашди. Унда раҳбарлик маданияти бўлиши керак. Шундай экан, кези келса у "қўннинг ошини ҳам, тошини ҳам ейишга" қодир инсон бўлиши керак. Мана, Юртбошимиз ўзларининг "Юксак маданият-енгилмас куч" номли асарларида бу ҳақда жуда яхши фикрларни келтириб ўтганлар.

— Тўри айтасиз, Салим ота, — деди ёши етмишини қоралаб қолган Абдулла ота. — Эндиги сайланадиган раис булардан ташқари чўқур бил им соҳиб ҳам бўлиши керак. Шунинг учун раис дегани давлатимиз сиёсатини яхши англамоғи, маҳаллалар фаолиятига оид қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз фармонлари, қарорлари, ҳукумат қарорларини пухта ўзлаштирган ва уларни ҳаётга таъбиқ эта оладиган инсон бўлиши керак. Бирок, маҳалла аҳолининг ўзи ҳам маҳалла ҳаётга бош қўшмас экан, биргина раиснинг ўзи ҳақ нароға қодир бўлолмайди. Демак, бўлгуси оқсоқол маҳалла аҳолининг фаолигини ошира оладиган, айрилиқда у-райдиган бефарқликка қарши курашга қодир раҳбар бўлмоғи даркор. Айниқса, маҳалла тинчлигини сақлашда ҳаммамиз бирдек ҳамжиҳат бўлишимиз керак. Четдан маҳаллага ким келаяпти, ким кетаяпти, бунди, албатта, биргина маҳалла оқсоқоли эмас, кўчабошилари, қўп қаватли уйларнинг уйбошилари, маҳалла пообонлари эмас, ҳар биримиз эътибордан четда қолдирамизлигимиз керак.

— Асосийси, маҳалламизга раисликка номзод танлашда адрашмаслигимиз керак — гапга қўшилди етмиши ёши Карим ота. — Раисликка номзод маҳалламизнинг қайси қўчасида яшамасин, қайси идорада қандай лавозимда ишлаган ёки ишлаётган бўлмасин, унинг ёшидан қатъий назар, шу маҳалла учун жон қўйиладиган инсонни танлаш керак бўлади. Бундай номзодни топиш учун одамларимизнинг ўзлари ҳам бепарво бўлмасликлари керак. Ўшларимиз ёки айри ёши катталар ҳам, ҳа энди катталар айди — бўлади, дейдиш ёки тўрттаммиз чўкиб

— Одамнинг сафар раис сизларнинг кўчангиздан сайланган эди, бу сафар раис бизнинг кўчадан сайланади", деб тарафқашлик қилиб турсак, бунда иш бўладими? Давлатимиз ўзини ўзи бошқарсан дегани, менимча, наваб билан раис таъинлашсин эмас, балки номзодлар орасидан муносивини топишиб, ўзларига раҳбар этиб

сайлашсин, дегани-ку? Шундай экан, сайловга масъулият билан ёндашмоғимиз керак. Ана шундан кейинги йилларда ҳам маҳалламизда бугундек мақтагулик ҳолат ҳукмрон бўлади.

Отаҳонларнинг сўзларини тинглаб, бундан бир неча йиллар илгари Тошкент шаҳридаги маҳаллаларнинг бирида бўлиб ўтган сайлов ёдимга тушди. Хизмат тақозоси юзасидан шу сайловда мен ҳам иштирок этган эдим. Ушунда маҳалла фуқаролар йиғини раислигига 5-6 кишининг номзоди кўрсатилган эди ва табиийки, номзодларни кўрсатишда уларнинг барча жиҳатларига эътибор қаратишди. Номзодлар таништирилган экан, уларнинг қайсисидир етук олим, уздабурон тadbиркор, яна қайсисидир шу маҳаллада туғилган ўсган, элини танийдиганлардан, дейилди. Одамлар номзодлар орасидан бундан бир мунча муддат олдин шаҳардаги ташкилотларнинг бирида раҳбар бўлиб ишлаб, нафақга чиқиб маҳалла ишларига доимо фал ёдремлашчи юрган, тиниб-тинимас, ҳаракатчан, маҳаллада кўпчиликчи бўлиши керак. Шунинг учун маҳалла етакчисини сайлашда ҳар биримиздан етти ўлчаб бир кесил талаб этилади. Яна бир гап — сўзда вазмин давом этди Салим ота — биласизлар, маҳалламизда 15дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Худого шукр, ҳозиргача уларнинг бирор-бири бирор марта ҳам сан-манга боргани йўқ. Тўйимизда ҳам, яъни-ёмон кунларимизда ҳам бир-биримизга елкадош бўлиб келаяптимиз. Қуш уясида қўрангани қилади, деганларидек, фарзандларимиз ҳам биз катталардек аҳил ўсишмоқда. Шундай экан, биз раисликка қўрсатаётган номзод маҳалламиздаги бугунги тартибни давом эттиришга қудратли етдимиз, одамларни ўз ортидан эргаштира оладимиз ва умуман, бўлгуси раисимиз раҳбарлик масъулиятини тушуниб етдимиз, бу саволларга ҳам жавоб топшимиз керак. Чунки раҳбар дегани кўпчилик билан ишлашди. Унда раҳбарлик маданияти бўлиши керак. Шундай экан, кези келса у "қўннинг ошини ҳам, тошини ҳам ейишга" қодир инсон бўлиши керак. Мана, Юртбошимиз ўзларининг "Юксак маданият-енгилмас куч" номли асарларида бу ҳақда жуда яхши фикрларни келтириб ўтганлар.

— Тўри айтасиз, Салим ота, — деди ёши етмишини қоралаб қолган Абдулла ота. — Эндиги сайланадиган раис булардан ташқари чўқур бил им соҳиб ҳам бўлиши керак. Шунинг учун раис дегани давлатимиз сиёсатини яхши англамоғи, маҳаллалар фаолиятига оид қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз фармонлари, қарорлари, ҳукумат қарорларини пухта ўзлаштирган ва уларни ҳаётга таъбиқ эта оладиган инсон бўлиши керак. Бирок, маҳалла аҳолининг ўзи ҳам маҳалла ҳаётга бош қўшмас экан, биргина раиснинг ўзи ҳақ нароға қодир бўлолмайди. Демак, бўлгуси оқсоқол маҳалла аҳолининг фаолигини ошира оладиган, айрилиқда у-райдиган бефарқликка қарши курашга қодир раҳбар бўлмоғи даркор. Айниқса, маҳалла тинчлигини сақлашда ҳаммамиз бирдек ҳамжиҳат бўлишимиз керак. Четдан маҳаллага ким келаяпти, ким кетаяпти, бунди, албатта, биргина маҳалла оқсоқоли эмас, кўчабошилари, қўп қаватли уйларнинг уйбошилари, маҳалла пообонлари эмас, ҳар биримиз эътибордан четда қолдирамизлигимиз керак.

— Асосийси, маҳалламизга раисликка номзод танлашда адрашмаслигимиз керак — гапга қўшилди етмиши ёши Карим ота. — Раисликка номзод маҳалламизнинг қайси қўчасида яшамасин, қайси идорада қандай лавозимда ишлаган ёки ишлаётган бўлмасин, унинг ёшидан қатъий назар, шу маҳалла учун жон қўйиладиган инсонни танлаш керак бўлади. Бундай номзодни топиш учун одамларимизнинг ўзлари ҳам бепарво бўлмасликлари керак. Ўшларимиз ёки айри ёши катталар ҳам, ҳа энди катталар айди — бўлади, дейдиш ёки тўрттаммиз чўкиб

— Одамнинг сафар раис сизларнинг кўчангиздан сайланган эди, бу сафар раис бизнинг кўчадан сайланади", деб тарафқашлик қилиб турсак, бунда иш бўладими? Давлатимиз ўзини ўзи бошқарсан дегани, менимча, наваб билан раис таъинлашсин эмас, балки номзодлар орасидан муносивини топишиб, ўзларига раҳбар этиб

ўзимизга, ўзалигимизга хос шундай буюк қадриятларимиз, азали урф-одатларимиз борки, улар бошқа бирон-бир халқниқига ўхшамайди. Узиники қолиб бўлса-да, ўзгаларни ташвишдан халос этиб юрган кишигина, том маънода, ҳар соҳада, ҳар ерда етакчи бўлган, унга эргашилган. Инчунин, бундай фазилатларга эга бўлиш фақат бизнинг миллатга хосдир, десак адашмаймиз. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла ва у орқали одамларни бирлаштириш механизми ўзбек давлатчилигига хос ҳусусиятидир.

Васфо ЛАТИПОВ,
фан номзоди.

САНОАТ РИВОҶИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Корей қўшма корхонаси бўлиб бошлиғи Абдурашид Саидов. — Утган йилги ярымқарда 2008 йилда 200 мингта шундай маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган эдик. Тайёрланган маҳсулот пешма-пеш етказиб берилаяпти. Шу маънода, ўтаётган форум келгуси йилги фаолиятимизни белгилаб беради.

Кўргазма залларида нафақат саноат корхоналарида айни пайтда ишлаб чиқарилаётган, балки 2009 йили ишлаб чиқаришига жорий этиладиган маҳсулотлар намуналари ҳам жой олган.

— Кейинги йилларда пахта тозалаш заводлари учун зарур бўлган 30 хилдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди, — дейди "Ўзпах-

тасаноат" уюмчаси вакили Баҳодир Зокиров. — Бу валюта тегаш баробарида ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Тизимда Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилиши туфайли 2009 йилдан бошлаб жин-линер арралари, дори суспензиясини узатиш насоси, пахта маҳсулотларини боғлашда ишлатиладиган пўлт 10 дан ортиқ янги маҳсулотлар тайёрлана бошланади. Уларга ярамарканинг биринчи кундаёқ қўлаб буюртмалар олдиқ. Шундан келиб чиқиб, саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси савдоларида ўтган йилдаги 1,5-2 баробар кўп ўзаро келишуларга эришишни мўлжаллаб турибмиз.

Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси савдолари 1 ноябргача давом этади.

Сонд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири,
Ҳасан ПАЙДОВ
олган суратлар.

Бу йил эрта баҳорда туманимиз бўйича 11780 гектар майдонга чигит қадалган эди. Аммо ёз даврида ҳароратнинг ҳаддан зиёд кўтарилиши, сув танқислиги фермерларни анча қийнаб қўйди. Шунга қарамадан, мўлжалдаги ҳосил етиштирилиб, саранжомлаб олинди.

ДОНИМИЗ ЯНАДА СЕРОБ БЎЛАДИ

Мен бошчилик қилаётган фермер ҳўжалигида эса мавжуд 19 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтарилади. Бу режадан ортиқ, аммо ўтган икки йилда эришилган кўрсаткичга нисбатан анча паст натижадир. Масалан, 2006 йилда ҳар гектар ердан 50 центнердан ошириб ҳосил олган эдик. Ҳосилдорлигини бу даражада пасайиши биринчи марта сув танқислиги билан боғлиқ, албатта.

Мамлакатимиз Президентининг "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фермерлар олдида турган сув таъминотидаги қийинчиликларга барҳам беришга, бир қатор сунъий тўсиқларнинг олиб ташланишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Фармонни қайта-қайта ўқиб, унинг мазмун-моҳияти нўҳотда чўқур эканини, халқимиз фаровонлигини янада оширишга қаратилганини англадим.

Ўз тажрибамдан биланманки, суғориш — пахтачиликдаги энг муҳим агротехника тадбирларидан бири. У қанчалик оқилона ўтказилса, ҳосил чўги шунчалик юқори бўлади. Йўл қўйилган биргина хато эса гўза ривожига салбий таъсир кўрсатади. Айтайлик, суғориш кенчаси, гўзанинг гули тўқилади. Лекин қанчалик ҳаракат қилмайлик, оби-ҳаётнинг ўзи танқис бўлган, гўзани ўз вақтида қандай суғориш мумкин? Фармонда айнан сув таъминотида юзага келган танқислик ҳисобга олинган ҳолда, пахта экиладиган далаларни қамайтириш эвазига бошқоқчи дон экинлари майдонларини қарийб 50 минг гектарга қўнайтириш, шунингдек, сабазавот, мойли ўсимликлар ва бошқа озиқ-овқат экинлари экиладиган ерларни янада кенгайтириш қўзда тутилгани биз, фермерларнинг кўнглимиздаги гап бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туманимизда гагладан ҳам ҳар йили мўл ҳосил етиштирилмоқда. Ҳусусан, жорий йилда ҳўжалигимизда гагга ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 70 центнердан ошди. 8,5 гектар гаггазордан давлатга 23 тонна гагга сотдик. Иштиримизда ундан-да кўпроқ — 25 тонна гагга олдиқ. Унинг 17 тоннасини ишчиликларимизга тарқатдик. Шу билан бирга, бир неча кам таъминланган оилаларга ҳам ёрдам кўрсатдик. Лекин қўри-ниб турибдики, гагга экиладиган майдонимиз кам. Президентимиз Фармонидан белгиланганидек, кўпроқ ерга гагга эхсак, донимиз, яъни нонимиз янада мўл бўлиши шўҳасиздир.


Абдушукр МАҲМУДОВ,
Нарпай туманидаги «Абдушукр пахтакор» фермер ҳўжалиги раҳбари.

«ПОДИУМ — 2008» — ЁШЛАР БАЙРАМИ

Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Россия дизайнерлар кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган «Подийум — 2008» ҳарим-танови ақунланди.

Ушбу танловнинг Ўзбекистонда ўтказилиши бежиз эмас. Юртимизда мода соҳасини изчил ривожлантириш, янги истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси бир қатор ижодий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Жамғарма томонидан «Style.Uz» Дизайн ва мода ҳафталигининг ўтказилиши, ёш ижтимоий модельер ва дизайнерларнинг Россия, Хитой, Франция, Япония каби давлатларда ўз илбослар тўптамаларини намойиш этишига имконият яратилаётгани бунинг далилидир.

«Подийум-2008» танловига мамлакатимиз ҳамда Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон каби давлатларнинг олий ва урта махсус таълим даргоҳларида таълим олаётган ижодкор ёшлар иштирок этади. Тадбир доирасида таниқли дизайнерлар,



олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари иштирокчида маҳорат сабоқлари, амалий семинарлар ташкил этилди.

— Кўрик-танловда қатнашчиларнинг ишини баҳолаш, маҳорат сабоқлари, амалий семинарлар ўтказиш билан биргаликда Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини номоша қилдик, — дейди россиялик таниқли дизайнер Вячеслав Зайцев. — Айниқса, Темирийлар тарихи давлат музейи унутилмас таассурот қолдириди. Музей экспонатлари орасидан жой олган қадимги миллий илбослар ва матолаҳарда улкан тарих мўжассам. Ўзбек миллий илбослари ва матолаҳари ҳайратланарли даражада гўзал ва бетакрор.

Танловнинг «Фольк» номинациясида Тошкентдаги «Libos» мода ва дизайн мактаби ўқувчилари Мадина Қосимбоева ҳамда Елена Мильберггер қолиб деб топилди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдида

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «TashkentALE — 2008» халқаро фотобиенналесини ақунланди.

«TASHKENTALE — 2008»:

САМАРАЛИ ИЖОДИЙ МУЛОҚОТЛАР

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий санъатнинг барча турларини ривожлантириш учун етарли шароит яратилган. Бу жиҳатлар тасвирий санъат, жуамладан, фотография санъатининг янада равнак топиши, анъана ва йўналишларининг қайта тикланиши, янгича мазмун ва маъно билан бойишида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Санъат қошоналари, музейлар, кўргазма заллари, маданият ва маърифат маканларининг барпо этилаётгани ушбу соҳага кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги намуналаридир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан пойтхтимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада

ошириш, ёш авлод қалби ва онгида Ватанга муҳаббат, тарихимиз, боқий анъаналаримизга ҳурмат, миллий истиқлол юғларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш каби ишлар муҳим ва зарур сифатида белгиланган.

Илгиримга яқин мамлакатдан келган фотожодкорлар иштирок этган халқаро «TashkentALE-2008» фотобиенналесини бу борада пойтхтимизда амалга оширилаётган кен қўламли ишлар билан таништиришда, ўзаро ижодий мулоқот ўрнатиш, фикр ва тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида Тошкент Фотосуратлар уйи, Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галерейси, Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон маданияти ва санъат кўргазмаси зали, Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият қарвон саройи, Бухоро



шаҳридаги галерея ва кўргазма залларида «Она табиятга эҳтиром», «Еш авлод қамолоти», «Мўхтабар қарияларимиз» каби ранг-баранг мавзуларда кўргазмалар, «Шарқ ва Фарб. Тошкент чорраҳаси» актуал видео ва фотосанъат фестивали бўлиб ўтди. Фотостанлар иштирокида маҳорат сабоқлари, давра сўхбатлари, ижодий анжуманлар ташкил этилди.

— Мен қўлаб халқаро кўргазмаларда иштирок этганман, — дейди мисрлик фотостан Атиф Аҳмад Иброҳим. — Тошкент фотобиенналесининг юксак савиясини, ташкилий-бадий жиҳатлари, кўтаринки рўҳи билан улардан ажралаб туради. Бир ҳафта мобайнида Тошкент ва Бухоро шаҳрида ўтган қўлаб кизиқарли кўргазмаларда, учрашуларда иштирок этдик. Юртингизда амалга оширилаётган кен қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишдик. Муқаддас қадимзолага эътибор, одамларингизнинг самимиети, санъатни юксак қадрлаши таҳсинга сазовордир.

— Тошкент фотобиенналесини самимиий сўхбатлар, ижодий му

ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИД РУҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зарбдор, Зафаробод туманларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда сусткашлик ва ижтимоий иншоотлари куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳамда мевасабзавот маҳсулотлари захирасини яратиш борасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайди.

ФАРФОНА

Виллоят ҳокими М. Фафуров бошқарган йиғилишда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 5,1 фоиз ўсгани таъкидланди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,7, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 4,6, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7,5, пулли хизмат кўрсатиш 17,9 фоизга ортди.

Виллоят саноат корхоналарида замонавий технологияларнинг жорий қилиниши, ишлаб чиқариш қувватларининг оширилиши, янги қўшма корхоналар ташкил этилиши натижасида экспорт салоҳияти янада ошди. Риштон туманида "Rus-O zbehteks" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, "SIMAX F-Z" хусусий корхонаси, Қўқон шаҳрида "Қўқон мебель", "Кўконсул" корхоналари негизда янги қўшма корхоналар ишга туширилди. Утган давр мобайнида 52 мингдан ортиқ янги иш жойлари яратилди.

Виллоятда аҳоли фаровонлигини ошириш, тиббий, транспорт, алоқа хизматини яхшилаш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, виллоятда ўтган давр ичида баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Айрим саноат корхоналарида менежментнинг қондиқорчилиги, маркетинг ишларининг суғлиги, хорижий инвесторларни жалб этиш ишлари талаб даражасида эмаслиги танқид қилинди.

Бу ўз навбатида, саноат ва ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига, қўшимча иш жойлари яратишга монелик қилмоқда. Хусусан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Қўқон шаҳридаги "Эффектил ойл", "Қўқонсуперфосфат" акционерлик жамиятлари каби еттига корхонада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми пасайган, 11 корхона эса иқтисодий нунор аҳволга тушиб қолган.

Кузги-қишги мавсумга ҳозирлик ишлари ҳам талаб даражасида эмас. 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйлари капитал таъмирлаш ишлари нисбатан етказилмаган. Шунингдек, озиқ-овқат захирасини яратиш, коммунал соҳада ҳисоб-китобни тизимли асосда йўлга қўйиш чора-тадбирлари қурилмаган.

Йиғилишда мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, йилни барча соҳаларда муваффақиятли якунлаш юзасидан мутаассадди раҳбарлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чикди.

ХОРАЗМ

Виллоят ҳокими О. Оллабергано бошқарган йиғилишда виллоятда жорий йилнинг ўтган даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга ошгани қайд этилди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 11,5 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш сезиларли кўпайди.

Ишлаб чиқариш соҳасига 39 миллиард сўм миқдорда инвестиция, жумладан, 11,4 миллиард сўмга тенг хорижий инвестиция ва кредитлар жалб қилинди. «Хоразм-шарк» қўшма корхонасини модернизация қилиш, «Хонка паррандачилик» масъулияти чекланган жамиятида замонавий паррандачилик комплексини ташкил этиш учун маблағлар ажратилди.

Ешлар йилида виллоятда 11 касб-хунар коллежи, битта академик лицей ва битта мактаб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 31 мактабда реконструкция, 45 мактабда ва 15 спорт иншоотида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Аҳолининг иш билан бандлик даражаси ва фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат

(Давоми. Боши 1-бетда).

йил апрель ойида Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган шодиёналар доирасида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Л. Керенни «Шухрат» ордени билан мукофотлади.

«Мен ўз меҳнатим орқали Амир Темурнинг ҳаққоний қиёфасини французлар ва европаликларга етказиш мақсадида мазкур буюк тарихий шахс ҳақида пьеса ёздим ва у Парижнинг «Одеон» театрида сахналаштирилди. Мен келажакда бу асарим Париж театридан берида, ўзбек актёрлари томонидан ўзбек тилида ижро этилиб, албатта, экранда француз тилидаги таржимаси билан сахнага қўйилишини орзу қиламан. Бу Франция ва Европа жамоатчилигига Амир Темурнинг буюк шахси ҳақида кенг маълумот беришга хизмат қилган бўлур эди», — деди Ассоциация раҳбари.

Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш француз ассоциацияси бош котиби Фредерик Брессан хоним 1997 йилда ўзининг «Самарқанднинг мовий олтин» деб номланган аjoyиб суратлар билан безатилган альбомини кенг жамоатчиликка ҳавола этди. Нашр тақдимида олим «дунёда иккита нурафшон ва оламга машҳур шахр бўлса буларнинг бири — Париж, иккинчиси — Самарқанд», деган эди. 2003

йилда унинг «Маҳобатли Самарқанд» деб номланган китоби иккинчи марта босмадан чикди.

«Амир Темур ва унинг воқисалари ҳукмронлик қилган даврда адабиёт ва шеърининг ҳимояси ва ривожига катта эътибор қаратилган, — деди оlima тадбирда. — Ўзбекистон замини дунёга буюк шоир ва

ва дўстона кечаларни ташкил этишнинг аҳамияти янада ортади. Ўзбекистон маданияти кечаси жуда қизиқарли ўтди. Иштирокчилар ўзбек халқининг бой адабий ва мусикий меросидан баҳраманд бўлишди. Француз жамоатчилиги Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бориб,

аjoyиб шеърят оламига ошно қилишга ҳисса қўшганидан бениҳоят мамнунман».

Ортимизга бағишланган яна бир тадбир Париждаги «Александр Каден» бадий галереясида бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик ва европалик rassomлар ижоди намуналаридан ташкил топган «Самарқанд ранглари» кўргазмаси очилди. Ундан rassom Бобур Исмоилов, гиждувонлик қуллолар авлоди вакили, сопол буюм ва сўзаналар мусейи асосчиси Абдулла Нарзуллаевнинг асарлари ўрин олган. Кўргазмага Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш француз ассоциацияси бош котиби Ф. Брессан хонимнинг фото асарлари ҳам қўйилган. Кўргазмадан яна бир европалик иштирокчиси — таниқли сопол идишлар rassomi Қаролинда Толстая хоним ҳам Ўзбекистон амалий санъатининг муҳлиси. Галереяда, шунингдек, самарқандлик Наргиза Бекмуҳаммадованинг ўзбек миллий либосларидан ташкил топган «Буюк Ипак йўлида ранглар жилоси» кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Парижда бўлиб ўтган мазкур маданий тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО доимий ваколатхонаси, мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси ҳамда Темурийлар ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилди.

«Жаҳон» АА. Париж.

ФРАНЦИЯДА ТЕМУРИЙЛАР АССОЦИАЦИЯСИНING 20 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ

юртингиздаги демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларга муваффақият тилайди.

Мен Франциянинг Шампань виллояти вино ишлаб чиқарувчи кооперативи вакилиман. Узингизга маълум, улкамиз ўзининг вино маҳсулотлари билан дунёга машҳур. Биз ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Яқинда биз юртингиз мутахассислари билан биргаликда вино ишлаб чиқариш хусусида музокаралар ўтказдик. Келажакдаги ҳамкорлигимиз самарали кечилишига ишончим комил».

Дижон шаҳри театри директори Франсуа Шато: «Бугунги мусиқа ва шеърят кечасидан жуда лаззатландим. Халқингиз шеърини санъати дунё шеъринида ўзининг муносиб ўрнига эга. Бу кеча давомида мен ўз юртдошларимни ушбу

ассоциацияси бош котиби Ф. Брессан хонимнинг фото асарлари ҳам қўйилган. Кўргазмадан яна бир европалик иштирокчиси — таниқли сопол идишлар rassomi Қаролинда Толстая хоним ҳам Ўзбекистон амалий санъатининг муҳлиси. Галереяда, шунингдек, самарқандлик Наргиза Бекмуҳаммадованинг ўзбек миллий либосларидан ташкил топган «Буюк Ипак йўлида ранглар жилоси» кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Парижда бўлиб ўтган мазкур маданий тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО доимий ваколатхонаси, мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси ҳамда Темурийлар ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилди.

«Жаҳон» АА. Париж.

«ЎЗКИМЎСАНОАТ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

2008 йил 4-6 ноябрь

кунлари компаниянинг

кўргазма залида

ярмарка савдолари

ўтказилишини эълон қилади.

Ярмарка савдоларида

Ўзбекистон Республикаси кимё корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар (аммиакли селитра бундан мустасно), дефоланселитра ва бошқа маҳсулотлар ҳамда халқ истеъмол моллари савдоси ўтказилади.


Манзил: Тошкент ш., А. Навоий к., 38-уй.

Телефонлар: 113-02-73, 113-02-74. Факс: 244-37-19.

ОРИГИНАЛ АВТОМОБИЛЬ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ

1000 турдан ортиқ асосий жиҳозлар

Маҳсулот сертификатланган Куйидаги ишлаб чиқарувчи заводлар кафолати билан:



- АМО «ЗИЛ» «КамАЗ» ОАЖ
«БЗА» РУП «УАЗ» ОАЖ
«БАТЭ» РУП «Элтра» ОАЖ
«Автодизельсервис» ОАЖ

Малакали техник маслаҳатчи — Али Бикриевич Багдалов томонидан бепул маслаҳатлар

ҚУЛАЙ ЧЕГИРМАЛАР ТИЗИМИ МАВЖУД!

Тел./факс: (8 371) 290-76-46, тел.: (8 590) 919-30-46 178-05-12. Манзил: Тошкент ш., «Мўйноқ» кўчаси, 135-уй («Ўзэлектробелсавдо» биноси. Мўлжал — ДАН жарима майдончаси).

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади. 9.00 дан 18.00 гача 236-09-25 232-10-63 242-хона

SONATA Ўз йўлингни танла! КАФОЛАТ — 2 йил. МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Drive your way. Official Partner. Tel. 250-11-11

ЖАҲОН 24 соат ичида

Қидирув эълон қилинди

Американинг Огайо штатида бир ҳафтада учта банк тунаб кетилди, дея ёзда «The Columbus Dispatch» нашри.



Мазкур бошқарувчиларнинг барчаси штатнинг маъмурий маркази ҳисобланган Колумбус туманида юз берган. Маълумотларда айтилишича, ўйликлар аёл киши томонидан содир этилган. Қурулланган жиноятчи банк ҳодимларига гўписа қилиб, пул ундириган. Мамлакат Федерал қидирув бюроси ва полиция ҳодимла-

ри қисқа фурсат ичида бир йўла учта банка бостириб қириш ҳар қандай жиноятчининг ҳам қўлидан келавермаслигини таъкидлашган. Айни пайтда босқинчи аёлга нисбатан қидирув эълон қилинган. У 2006 йилда ҳам худди шундай жиноятлари содир этиб, ғойиб бўлган.

Статистика маълумотларига қараганда, 2007 йилда АҚШда банкларни тунаш билан боғлиқ 7417 та ҳолат қайд этилган бўлиб, шунинг 6,4 фоизи аёллар томонидан амалга оширилган. Бу борада энг юқори кўрсаткич Огайо штатида кузатилган.

Темирйўлдаги тўқнашув

Кримда йўловчи поездаи ва микроавтобус бир-бирга тўқнашиб кетди. Бу ҳақда «Корреспондент.нет» интернет саҳифасида хабар тарқатилди.



Украина Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати маълумотларига қўра, фожиа оқибатида бир киши ҳалок бўлган, икки киши тан жароҳати олган. Гўвоҳлар тўқнашувга микроавтобус ҳайдовчиси айбдор эканини билдиришган. У поезд келаятган вақтда темирйўлдан ўтмоқчи бўлган, бироқ улгуролмаган.

Айни вақтда ҳуқуқ-тартибот идоралари воқеа юзасидан текшириш олиб бормоқда.

Пластик карточкага чипта йўқ

Россиянинг «Аэрофлот» компанияси интернет тармоғи орқали пластик карточкалар билан чипталар буюртма қабул қилишни вақтинча тўхтатиб туришини маълум қилди.



«Интерфакс» ахборот агентлиги хабарига айтилишича, компаниянинг бундай қарорга келишига бундан бир неча кун муқаддам унинг интернетдаги саҳифасига хаккерлар томонидан ҳужум уюштирилгани сабаб

бўлган. Айни пайтда «Аэрофлот» ўз хизматидан фойдаланувчиларга чипталарни кассалардан ёки унинг расмий вакилларидан сотиб олишни тавсия қилмоқда.

Гуруҳ бошлиғи қўлга олинди


Мексика полицияси гиёҳванд моддалар билан шуғулланувчи «Тихуана» мафия гуруҳи бошлиғи Эдуардо Арельяно Феликсни қўлга туширишга муваффақ бўлди.



Жиноятчини қамоққа олишда юздан ортиқ полиция ва ҳарбийлар иштирок этган. Эдуардонинг шериклари уч соат давомида ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимларига қаршилик кўрсатган. Арельяно Феликс юз тоннадан ортиқ кокаинни АҚШ ҳудудига ўтказишда бош-қош бўлганлиги айбланмоқда.

Куёш энергияси ҳисобига

«ABI Research» тадқиқот компаниясининг маълум қилишича, 2013 йилга бориб дунёдаги аксарият мобил алоқа станциялари куёш манбаи ёрдамида ишлаб борадими.



Бугунги кунда 335 мингдан ортиқ станция ана шу жараёнга ўтишга ҳозирлик қўрмоқда. Айтиш жоиз, бундан бир йил муқаддам «Ericsson» компанияси ўзидан шу тизимни жорий этганди. Ҳозир унинг саҳифа Индонезиянинг «Telkomsel» компанияси ҳам қўшилган. Бундан ташқари, айни пайтда

«Ericsson» ҳаво генераторларидан электр қуввати олишни ҳам ўзлаштирмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ДАВЛАТ ИНСТИТУТИ АСПИРАНТУРАГА куйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади: Тупроқшунослик — 1 ўрин. Агрокимё — 1 ўрин. Агротупроқшунослик ва агрофизика — 1 ўрин. Қабул мuddати эълон чоп этилгандан бошлаб — 10 кун. Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Камарнисо кўчаси, 3-уй. Телефон: 246-09-50.

ООО «Росагропромснаб» предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1» Цена - от 1 300 000 сум. Ду, мм Типоразмер Мин. расход, Qмин, м³/час Максим. расход, Qмакс, м³/час 25 G10 0,16 16(25) 40 G25 0,40 40(65) 65 G65 1,00 100(160) Т.ф.: 273-16-40, 276-91-87 Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, к-л. Ц. д. 6 (ор-р - перекресток «Шухрат») Товар сертифицирован

ВАТАН ХИЗМАТИГА ОТЛАНИШДИ

Шу кунларда жойларда Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида»ги қарори асосида муддатли ҳарбий хизматга отланаётган ёшларни тантанали кузатиш маросимлари ўтказилмоқда.

Кузги қақирув

Ана шундай тадбирлардан бири Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг қақирув пунктида ташкил этилди. Унда вилоят фаоллари, жамоатчилик вакиллари, ҳарбий хизматга жўнаб кетаётганларнинг ота-оналари, шунингдек, ёр-биродарлари жам бўлишди. Албатта, фарзандининг камолга етиб, Ватан ҳимоясидек шарафли бурчни бажаришга йўл олаётганини кўрган ота-оналарнинг қувончи чексиз.

— дейди Жондор туманидаги Наврабод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Тўлқин Қўрбонов. — У оиламида тўнғич ўғил. Очиги, жуда ҳаяжонданман. Бу ерга йиғилган йигитларга бир эътибор беринг-а. Ҳар бирининг билаги куч-қувватга тўла, шашти баланд. Хизматга кетаётганидан хурсанд. Улар орасида Эркинжонни ҳам кўриб, бошим осмонга етди. Ҳарбийликка кузатиш тадбирини айтмайсизми, катта бир байрамдек ўтказилди. Қайси замонда шундай бўлган? Бунинг учун



Юртбошимизга минг бора раҳмат айтсак арзийди. Насиб қилса, ўғлим хизматни аъло даражада ўтаб, билдирилган ишончини оқлайди. — Синовлардан муваффақиятли ўтганидан хурсандман, — дейди Эркинжон. — Менмича, ҳарбий хизматга бориш ҳар

хизматдан қайтган, ахборот технологиялари соҳаси йўналиши бўйича ўқишга ҳужжат топширмоқчиман.

Пешқулик Шўҳрат Рашидов билан турмуш ўртоғи Дилором Асадова ҳам саф тортиб турган йигитлардан кўза уза олишмайди. Она барибир она-да. Фарзандининг дарров буй чўзиб, ҳарбий хизматга тайёр бўлганидан кўзи севинч ёшларига тўлган.

— Дўстмурод келгусида инчи ишлар тизимида ишламоқчи. Биласиз, бу соҳа кишидан ҳўшёрликни, фидойиликни талаб қилади. Армияда унинг чинқилишига, ҳар томонлама тобланишига ишончим комил, — дейди Шўҳрат Рашидов.

Бундай сўзларни шу кун ҳар бир ота-онадан эшитиш мумкин эди. Қақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга танлаб олиш жараёни қандай кенгани хусусида вилоят мудофаа

ишлари бошқармаси қақирув бўлими бошлигининг катта ёрдамчиси, подполковник Шаҳобиддин Хўжаев шундай деди: — Президентимиз қарори асосида Давлат тест маркази ҳамда тиббий комиссиялар билан биргаликда кенг қамровли ишлар амалга оширилди, — сўз бошлади Ш. Хўжаев. — Белгиланган тартибга кўра, муддатли ҳарбий хизматга ҳар бир йигит танлов асосида саралаб олинди. Сиз кўриб турган қақирилувчилар соғлиғи, интеллектуал салоҳияти, дунёқароши жиҳатидан Ватан сарҳадларини қўриқлашга энг муносиб деб топилганлари. Умид қиламизки, бўлғуси аскарлар ўз йигитлик бурчларини сидқидилдан бажаришади, мамлакатимизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ишохторлар моҳиятини чўқур англашади. Бугина эмас, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган, ёшлар ўртасида миллий армиямиз чинакам ҳаёт мактаби экани хусусида тушунтириш-тарғибот ишларини ҳам олиб боришади...

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёш авлод камолоти йўлида

Урганч шаҳрида «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган аълонавий «Янги авлод» болалар ижодиёти республика фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда қатнашган 204 нафар истеъдодли ёшлар 6 йўналиш, 36 та жанр бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Иштирокчилардан 27 нафари голибликни қўлга киритиб, фестивалнинг республика босқичига йўлланма олди.

Оббек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МТСдан «GOOD'OK» хизмати Фарғона водийсида ишламоқда

МТС компанияси 20 октябрда «GOOD'OK» хизматини янги вилоятларда ишга туширди. Агар аввал ушбу хизматдан Тошкент шаҳри ва вилоят ҳамда Жиззах, Сирдарё вилоятларида яшовчи абонентлар фойдаланишлари мумкин бўлган бўлса, энди Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам фойдалана билади.

Абонент ўз телефонида «GOOD'OK» хизматини ёқтиргандан кейин, унга кўнғироқ қилган барча одамлар қақирув гудоқлари ўрнига ўрнатилган мусиқани эшитдилар. Бир рақамга 10 та гача мусиқа ўрнатиш мумкин, яъни алоҳида абонентга ёки гуруҳга алоҳида мусиқа ўрнатиш мумкин. Шунингдек, у ёки бу мусиқа куннинг ёки туннинг қайси вақтида янграшини ҳам белгилаб, ўрнатиш мумкин. «GOOD'OK» хизматини ёқиш учун 1 рақамини 515 рақамга SMS орқали юбориш керак ёки *111*0141# USSD-қомаданан фойдаланиш керак. 0550 рақамга кўнғироқ қилиб, ёққан мусиқани танлашингиз ва овозли йўриқномаларга амал қилиб ўрнатишингиз мумкин. Еки «GOOD'OK» хизмати сайти — www.goodok.mts.uz орқали ҳам мусиқани танлаб, ўрнатишингиз мумкин. Хизматдан фойдаланувчиларга турли мусиқалар рўйхати тақдим этилиб, бу рўйхат доимо янги хитлар билан тўлдирилиб борилади. «GOOD'OK» хизмати имкониятлари ҳақида батафсил маълумотларни МТС-Ўзбекистоннинг www.mts.uz сайтида билиш мумкин. 0550 рақамга кўнғироқларда эфир вақти нарҳланмайди.


РАТБ «Галлабанк»

томонидан чет эл валютасида 4 ой муддатга «Фаввора» омонат турига маблағлар қабул қилинмоқда.

Омонатга маблағлар 2008 йил 1 январьдан қабул қилиниб, уларга йиллик 6 фоиз миқдорда устама фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади. Маблағлар АҚШ долларларида қабул қилинади.

«Галлабанк» — хонадонингизга барака келтирсин!
Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89.
www.gallabank.com

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport



Якка кураш совриндорлари

Спортнинг Шарқ якка кураш турларини ўзида мужассамлаштирган универсал жанр мамлакатимизда эндигина ривожланиётган бўлса-да, бу борада эришилаётган натижалар салмоқли.

Кеча Россиянинг Калининград шаҳрида нихосига етган IX жаҳон чемпионатида ҳам Ўзбекистон терма жамоаси тўлиқ таркиб билан иштирок этиб, 2 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритди.

Мусобақада Нуриддин Нуриддинов (65 кг.) ва Алишер Абдуллаев (75 кг.) лар барча рақибларини енгиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўдилар. Нодира Қазакова (+70 кг.) кумуш, Жамол Омонов (70 кг.), Жамшид Қораев (80 кг.) ва Мурод Хонтураев (85 кг.) лар эса ватанимизга бронза медали билан қайтайдган бўлишди.

Зарафшон шахрига юртимиз довуғини дунёга танитадиган иқтидорли спортчиларни етказиб берувчи гушалардан бири, дея таъриф берилса, муболага бўлмас. Чунки кейинги вақтларда Қизилқумнинг шу олис манзилида бошқа соҳалар қатори спортда ҳам улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

ЗАРАФШОН — СПОРТЧИЛАР ШАҲРИ

Шубҳасиз, эришилаётган ютуқларда замонавий шарт-шароитларнинг яратиб берилган муҳим аҳамият касб этаётди. Масалан, Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли «Прогресс» спорт клуби бугун чинакам маҳорат мактабига айланган. Бу ерда ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Шунингдек, Зарафшон қурилиш бошқармасининг «Қурувчи» спорт мажмуаси, шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, «Қизилқумлоттин», «Лидер», «Тазквандо», «Зардон», «Фудокан» ва «Кураш» клублари ҳам ҳар қандай киши ҳавас қиладиган даражада жиҳозланган.

Эътироф

Ана шу имкониятлар тўғрисида Зарафшонда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони ҳозирга келиб 17 миң 500 нафардан ошиб кетди. Спорт секцияларининг доимий иштирокчилари эса қарийб 5 миң кишини ташкил этаётди. Уларга 75 нафар мураббий спортнинг сир-асорларини ўргатаётди. Бундан ташқари, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобига шаҳарда бунёд этилган теннис мажмуаси ҳам бугун ёшларнинг сеvimли масканларидан бирига айланди. Ҳозир бу ерда 86 нафар йигит-қиз теннис маш-

ғулотларига қатнашиб, ўз малакасини оширмоқда. Замонавий спорт қозоналарида чинқилган зарафшонлик ёшлар-республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб иштирок этишапти. Айниқса, самбо, оғир атлетика, тазквандо, футбол ҳам Зарафшондан чиққан спортчилардир.

Умуман олганда мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани сингари Зарафшонда ҳам спортни оммалаштириш орқали ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларига муҳим вазифа сифатида эътибор берилмоқда.

Пауэрлифтинг бўйича 2007-2008 йилги Осиё чемпионати совриндорлари Сергей Гасе, Павел Бридин, Александр Сидорчук, Доҳада бўлиб ўтган Осиё ўйинларида тазквандо бўйича 2-ўрин соҳибига, Пекин Олимпиадаси иштирокчиси Евгения Каримова, қитъа ҳамда республика мусобақалари қатнашчиси, иқтидорли ёш шахматчи Моҳинур Қахрамонова-

Дзюдочимиз бронзаси

Таиланд пойтахти Бангкокда дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида навбатдаги жаҳон биринчилиги якунланди.

Мусобақада 60 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Габит Есимбетов бронза медали соҳибига бўлди. Афсуски бошқа вазн тоифасида иштирок этган вакилларимиз совринли ўринлардан жой олишолмади.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатида 25-тур учрашувлари якунланди.

25-тур якунланди

Ўз майдонида «Машъал» жамоасини қабул қилган «Пахтакор» биринчи бўлиб тўп ўтказиб юборди. Учрашунинг 51-дақиқасида муборакликлар аъзоси Илҳом Шомуродов ҳисобни очди — 0:1. Аммо тезкорлик билан ташаббусни қўлга олган «Пахтакор» жамоаси вакиллари Одил Аҳмедов (иккита) ва Александр Гейнрих томонидан киритилган голлар эвазига 3:1 ҳисобида зафар қўчиди. Чемпионликка асосий даъвогар ҳисобланган «Бунёдор» Самарқандда «Динамо»ни 4:0 ҳисобида доғда қолдирди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар кайд этилди: «ЎзДонгЖу» — «Локомотив» 0:3, «Нефчи» — «Шўртан» 2:0, «Насаф» — «Навбахор» 2:1, «Бухоро» — «Андижон» 1:2, ОТМК — «Кизилқум» 2:0, «Сўғдиёна» — «Металлург» 1:2.

Айни пайтда турнир жадвалида «Бунёдор» жамоаси 69 очко билан қарвонбошлик қилмоқда. «Пахтакор» 62 очко билан иккинчи, «Нефчи» 50 очко тўлаб учинчи ўринда бормоқда.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Оролбўйи каратэчилари ютуғи

Италиянинг Венеция шаҳрида каратэ бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган қорақалпоғистонлик Замира Алиева ўз вазини тоифасида кумуш ва бронза медали соҳибасига айланди.

Мураббий Рустам Қазақов қўл остида чемпионатга тайёрлар кўрган З. Алиева шахсий ва жамоавий кумитэ беллашуларида муваффақиятга эришди.

Шунингдек, жорий йилнинг 16-19 октябрь кунлари Беларус давлати пойтахти Минск шаҳри мезбонлик қилган самбо бўйича фахрийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам қорақалпоғистонлик полвонлар медаллар билан тақдирланди.

Жумладан, С. Юсупов (82 кг.) кумуш, Н. Атабоев (62 кг.), Қ. Наврўзбоев (74 кг.) ва Х. Ерманов (100 кг.) бронза медаллари совриндори бўлишди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Kichik biznes — yuksak g'urur!

«TADBIRKOR» TARIF REJASI

Barcha kirish qo'ng'iroqlari	\$0
Chiqish qo'ng'iroqlari (Bir daqiqqa narxi)	
Guruh ichidagi	\$0
Tarmoq ichidagi	\$0.02
O'zbekiston bo'yicha	\$0.02
SMS (chiqish SMS narxi)	
Tarmoq ichida	\$0.01
O'zbekiston bo'yicha	\$0.02
Oylik abonent to'lovi	\$4

Агар сиз юридик шахс (корхона ёки компания ishchisi, rahbari), shuningdek, xususiy tadbirkor yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga binoan ro'yxatdan o'tgan shaxsiy kompaniya egasi bo'lsangiz, bizning korporativ mijozimiz bo'lishingiz mumkin.

cell
YANADA KO'PROG'INI KUTING

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 25961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида тегилид ҳамда операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммаддин Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 22.00

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Ф. Абдулов.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.